Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 96 (4791).
28 АПРЕЛЬ 1982 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

МАЙОЛДИ ВАХТАСИ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон пойтахти саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари 1 Майни янги меҳнат ғалабаси билан кутиб олишяпти.

БУГУН

шаҳар индустрияси саноат буюмларининг асосий турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик планини муддатидан аввал бажарди.

Зарбдор майолди меҳнат вахтасидаги мусобақада Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Ҳамза, Фрунзе, Чилонзор ва шаҳардаги бошқа районларининг саноат корхоналарининг коллективлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот — қишлоқ хўжалиги машиналарини, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат саноати, қурилиш индустрияси буюмлари етказиб берилади.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

САЙЛОВ ОЛДИДАН

Республикада маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ўтмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Гулдона Юнусова, Калинин районидаги «Иваново» совхозининг сут соғувчиси Зинаида Исаевна Ҳакимова, Тўйтепадаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» металл конструкциялар заводи пайвандчилар бригадасининг бошлиғи Василий Ким Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилдилар.

«Джаркурганнефт» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармасининг электр монтери Елена Александровна Шойлова, Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозининг бригадири Шарофат Қораева, Денов шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Орзигул Рамазоновна Эшмирзаева халқ депутатлари Сурхондарё область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Республика рус тили ва адабиёти институтининг ректори, профессор Галина Николаевна Шчеглова, Тошкент агрегат заводининг контролери Алла Николаевна Прохорова, 228-мактаб ўқитувчиси Тамара Григорьевна Ефимова Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилдилар.

Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб, зарбдор меҳнат билан давлатимиз қудратини мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини айтмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Унинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси. Суратда: сессия президиуми.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини якунлаш тартиби тўғрисида ва шу мусобақа ғолибларини рағбатлантириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда уқтириб ўтиладики, Москва, Ленинград, иттифоқдош республикалар илғор коллективларининг ташаббусига биноан корхоналар, бирлашмалар, колхозлар, ташкилотлар ва муассасаларда ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, 1982 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида ва СССР касаба союзларининг XVII съездида ўртага қўйган қоидаларини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан амалга оширмоқдалар. Мусобақадошларнинг кучғайратлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ҳом ашё, материал, электр энергия, ёқилғи, молиявий ва меҳнат ресурсларини камроқ сарфлаб, юқорироқ пировард натижаларга эришишга қаратилган. Социалистик мусобақа давомида мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ўртасидаги бузилмас дўстлик, ҳамкорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам мустаҳкамланмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини 1982 йил 10 ойида иқтисодий ва социал ривожланиш планининг бажарилиши натижаларига қараб, 1982 йилги топшириқлар ҳамда коллективлар қабул этган муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларнинг кутилаётган бажарилишини ва беш йиллик бошланганидан бери қилинаётган ишларни ҳисобга олиб якунлашга қарор қилдилар. Шу мусобақада ғолиб чиққан коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар, улар орасида муқобил планларни ва оширилган социалистик мажбуриятларни бажаришда энг юқори ва барқарор кўрсаткичларга эришган коллективлар СССР Халқ хўжалиги ютуклари выставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади.

СССР министрликлари ва идораларига ҳамда касаба союзлари Марказий Комитетларига худди шу муддатларда ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш борасида ўтказилган тармоқ мусобақаси якунлари юзасидан шу органлар таъсис этган кўчма Қизил байроқларни ҳамда пул мукофотларини беришга, бригадалар, участкалар, звеноалар, фермалар, бўлимлар коллективларининг, шунингдек ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг мусобақасини якунлашга, ғолибларни министрлик (идора) ва касаба союзлари Марказий Комитетларининг фахрий вимпеллари, дипломлари, шунингдек эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари билан тақдирлашга рухсат этилди.

ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра иш самарадорлиги ва сифатини оширишда юксак кўрсаткичларга эришган, топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларни «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори» Бутуниттифоқ нишони билан мукофотлаш, уларга эсдалик совға ёки пул мукофоти топшириш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 апрель куни ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг эрталабки мажлиси бошланди.

Ҳукумат ложаларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов** ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва республика ҳукуматининг аъзолари ўтиришибди. Сессия ишида КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири ўртоқ **В. И. Смирнов**, СССР Олий Совети Президиуми бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ **В. В. Юневичус** қатнашмоқдалар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат ўртоқ **А. А. Хўжаев** очди.

Раис стол ёнида Олий Совет Раисининг ўринбосарлари, депутатлар **Т. Охунова, С. К. Каньязов, М. М. Маткаримов, М. П. Павлов** ўртоқлар ўтиришибди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар Р. Х. Алматова, Ҳ. Охунов хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Сессиянинг кун тартиби бир овоздан тасдикланади:

1. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республика аҳолиси турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг иши ҳақида.
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

«КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республика аҳолиси турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат ўртоқ **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан бошланган музокараларда депутатлардан **К. Рзаев** (484-Мангит сайлов округи), **В. А. Антонов** (101-Қибрай сайлов округи), **Ж. Ҳасанов** (158-Булоқбоши сайлов округи), **А. Тиловов** (210-Қўйтош сайлов округи), **С. К. Раҳимов** (184-Районобод сайлов округи), **В. П. Кузьмин** (471-Хазорасп сайлов округи), **Л. П. Трушина** (35-Олмазор сайлов округи), **З. Раҳимбобоева** (110-Келес сайлов округи), **Б. Элбоев** (240-Паландара сайлов округи), **Қ. Жуманиёзов** (313-Кулчабий сайлов округи), **Ғ. Тожибоев** (262-Куйбишев сайлов округи), **А. П. Володарский** (197-Ромитан сайлов округи), **Б. Омонов** (381-Узун сайлов округи), **М. К. Каримов** (392-Ленинград сайлов округи) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

* * *

Соат 15 да Олий Советнинг кечки мажлиси бошланди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қилинган докладнинг муҳокамаси давом эттирилди. Муҳокамада депутат ўртоқ **К. Й. Охунбобоев** (421-Охунбобоев сайлов округи), Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ **А. М. Худойберганов**, депутатлардан ўртоқ **А. Юсупов** (472-Хонқа сайлов округи), ўртоқ **А. Абдуллаев** (181-Харгуш сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республика аҳолиси турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисидаги карори бир овоздан қабул қилинди.

«Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг иши тўғрисида» комиссия раиси депутат ўртоқ **И. Г. Анисимкин** доклад қилди.

Олий Совет «Саноат доимий комиссиясининг иши тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат ўртоқ **Г. К. Ҳайдарова** «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида» доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган фармонларни бир овоздан тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг составига ўзгартишлар киритилди. Депутат Г. Г. Исаев Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри этиб тайинланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди. Депутат М. Эгамбердиев Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан у сув хўжалиги комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Олий Совет сессияси номига планлар ва мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақадаги муваффақиятлар ҳақида меҳнат коллективларидан жуда кўп мактублар ва телеграммалар олинди.

Унинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

26 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг мажлислари бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳалари тайёрлаш доимий комиссияси Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги 23-қурилиш трести ташкилотларида меҳнат тўғрисидаги қонунларга қандай риоя этилаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Трест, унинг ташкилотлари раҳбарлари касаба союз органлари билан биргаликда кейинги вақтларда меҳнат қонунларини оғишмай бажаришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширганликлари мажлисда уқтириб ўтилди. Шу билан бирга депутатлар бу ишдаги нуқсонларни — план ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши, қурувчиларнинг меҳнати лозим даражада муҳофаза этилишини таъминлаш учун коллектив шартнома қоидаларидан дуруст фойдаланилмаётганини, кадрларнинг қўнимсизлигини тугатиш учун етарли кураш олиб борилмаётганини кўрсатиб ўтдилар. Қабул этилган қарорда 23-трест раҳбарларига мавжуд камчиликларни ва меҳнат тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолларини тугатиш чораларини кўриш таклиф этилди. Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига, Тошкент область ижроия комитетининг юстиция бўлимига бу ишни амалга оширишда қурилиш ташкилотларига амалий ёрдам бериш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишда юридик хизмат даражасини ошириш тавсия этилди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси маъмурий қонун бузишлар тўғрисидаги кодексининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган лойиҳасини ҳам муҳокама қилди.

Ташқи ишлар доимий комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасининг чет эллар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини амалга ошириш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Мажлисда маълум қилинганидек, савдо-саноат палатаси чет эллардаги халқаро выставкалар ва ярмаркаларда Совет Иттифоқи кўргазмаларининг Ўзбекистон экономикаси ва маданияти равнақига бағишланган бўлимларини мунтазам равишда ташкил этмоқда. Бизнинг республикамизда чет эл выставкаларини ташкил этиш, патентлицензия хизмати кўрсатиш, товар экспертизалари соҳасида ҳам каттагина иш қилинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси чет эллар билан иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасига ўзининг иш формалари ва методларини такомиллаштириш, чет эллардаги савдо-саноат выставкаларида, шунингдек халқаро выставка ва ярмаркалардаги совет кўргазмаларида бундан буён ҳам актив иштирок этишни тавсия қилди. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН

Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш республика комиссиясининг 26 апрель куни бўлиб ўтган мажлиси қатнашчилари ССР касаба союзларининг XVII съездида Леонид Ильич Брежневнинг «Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлик экономикани ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик билан чамбарчас боғлиқдир», деб берган кўрсатмаси муҳимлиги тўғрисида гапирдилар. Ҳамма нутқларда — ҳар бир меҳнатчи яхши ҳордиқ чиқариб, янги куч тўплаши учун республикадаги бой имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш керак, деган бир фикр изҳор этилди.

Комиссия Ўрта Осиё темир йўли, граждан авиацияси бошқармаларининг ва республика Автомобиль транспорти министрлигининг меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишда қандай иштирок этаётганлиги тўғрисидаги ахборотларини тингладн. Кейинги вақтларда улар бу соҳада кўпгина иш қилганликлари қайд этилди. Мамлакатнинг курорт зоналарига самолётлар ва темир йўл составлари қатнови анчагина кўпайтирилди. Ёз фаслида айниқса болалари билан ота-оналар биргаликда дам оладиган жойларга қўшимча рейслар жорий этилмоқда. Республикада оммавий ҳордиқ чиқариладиган 170 та зона барпо этилиши муносабати билан автобуслар ва шаҳар атрофи поездларининг маршрутларига тегишли ўзгартишлар киритилди. 720 та туристик экскурсия маршрутлари ишлаб турибди. Отпуска даврида республикада билет сотиладиган 30 та қўшимча касса ва билет заказ қилинадиган 13 та стол, маълумот бюроларидан 12 та бюро очилади.

Шу билан бирга дам олувчиларга транспорт хизмати даражаси ўсиб бораётган талабларга ҳали ҳам мувофиқ эмас. Ҳаракат жадвалини бузишга йўл қўйилмоқда, транспорт ташкилотларининг ходимлари меҳнаткашларга нисбатан қўполлик ва эътиборсиз қарашлари фактлари тугатилган эмас.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига, граждан авиацияси ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармаларига ўз коллегияларининг мажлисларида ва доимий ишлаб чиқариш кенгашларида меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг дам олиш учун жўнаб кетишларида транспорт хизматини яхшилаш чораларини муҳокама қилиш тавсия этилди.

Республика комиссияси меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини ташкил қилишга доир тадбирларни кўриб чиқди.

Шаҳар ва район комиссияларига меҳнаткашлар оммавий дам оладиган зоналарни, пионер лагерларини, меҳнат коллективлари дам олиш базаларини, маданият ва истироҳат боғларини, сиҳат-саломатлик масканларини, туристик базаларни, дам олиш уйлари ва пансионатларни ремонт қилиш ободонлаштириш ва жиҳозлашни май ойида тугаллаш таклиф этилди. Ҳамма дам олиш зоналари ва базаларининг ёз фаслидаги ишини янада такомиллаштириш чоралари кўзда тутилди. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш, Маданият, Уй-жой— коммунал хўжалиги, Маиший хизмат, Автомобиль транспорти, Савдо, Алоқа министрликларига, Ўзбекбирлашувга, газеталар, телевидение ва радио редакцияларига тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда республикадаги санаторий-профилактор ийлар тармогини ривожлантириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистонда сал кам 3 минг ўринли 34 та санаторий-профилакторий қурилди. Шифохоналарнинг кўпчилик медицина коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Навоий ва Чирчиқ кимиё бирлашмаларининг, Фарғона нефтни қайта ишлаш ва Тошкент кабель заводларининг, Сирдарё районидаги «Правда» колхози, «Оқтўрғон» совхозининг шифохоналари намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Бироқ, санаторий-профилакторийлардаги ўринлар ҳали ҳам етарли эмас. 12 мингдан ортиқ ўринли 110 та янги шифохона барпо этиш, мавжуд тармоқни 620 ўринга кенгайтириш кўзда тутилди. Айниқса Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Андижон областларида ва Қорақалпоғистон АССРда мазкур объектлар қурилиши жадаллаштирилиши керак.

Комиссия санаторий-профилакторийлар қуриш юзасидан олинган мажбуриятлар ва белгиланган планларнинг бажарилиши қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари ўртасида ҳам, шунингдек барча меҳнат коллективлари ўртасида ҳам социалистик мусобақа якунларини чиқариш пайтида мажбурий тартибда ҳисобга олинишни лозимлигига эътиборни қаратди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси Ю. В. Андроповнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда «Ленинизм — омма революцион ғайрати ва ижодкорлигининг битмас-туганмас манбаи» мавзуида қилган докладини алоҳида китобча қилиб ўзбек тилида босмадан чиқарди. Китобча кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

Тонгги газеталарда

Кеча Навоийда область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонда бўлган вақтида берган кўрсатмалари асосида партия ташкилотининг экономика ҳамда маданиятни юксалтириш ва ривожлантириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Тбилиси шаҳрини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

«Мамлакат Шаркининг аграр цехи» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган ёрқин нутқларида баён этилган доно ғояларнинг нури билан чароғондир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизда бўлиши унинг маслаҳатлари, тавсиялари, кўрсатмалари партия ташкилоти учун, барча активлар, кенг меҳнаткашлар оммаси учун ленинча омилкорликнинг, ленинча иш услубининг катта мактаби бўлиб. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш, унинг СССР халқ хўжалигини юксалтиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш борасидаги ижодий ташаббусларн ва куч-ғайратларига янги қудратли омил бахш этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоидалар, хулосалар ва йўл-йўриқларга амал қилиб, дарҳол ишга киришди, коммунистларни, меҳнат коллективлари ва ташкилотларни ўртага қўйилган вазифаларни турмушга татбиқ этишга отлантирди ва жипслаштирди, уларни зўр, коллектив ишга руҳлантирди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида ишчанлик билан, юксак сиёсий активлик вазиятида кўриб чиқилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди. Пленум Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларининг метиндек бирлигини, улар КПСС ленинчи Марказий Комитети ва атоқли сиёсий ва давлат арбоби азиз ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашганлигини яна бир бор намойиш этди.

Биз ҳаммамиз астойдил аминмизки, ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган программ вазифалардан илҳомланган ва руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари яна зарбдор иш намуналарини кўрсатадилар, 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарадилар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Аҳолининг турмуш маданиятини янада ошириш тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида кўриб чиқиш учун таклим этилган масала халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш борасида КПСС XXVI съезди, ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш билан ғоят чамбарчас боғлиқдир.

Партиянинг бу соҳадаги йўли ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифасида ниҳоятда равшан ифода этилган. Ана шу бош вазифа халқ хўжалигини барқарор, муттасил ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланиш, барча турдаги ресурсларни бутун чоралар билан тежаб-тергаш ва иш сифатини яхшилаш негизида совет кишилари фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.

Партия шу йўлга муттасил амал қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: «Жамиятимиз нақадар етуклашиб бораверса, биз меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига —уй-жойга, овқатланишга, маиший хизматга, соғлиқни сақлашга ва маорифга —инсоннинг фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилаб берадиган ҳамма нарсаларга кўпроқ эътибор беришимиз мумкин ва лозим бўлиб қолаверади».

Партия, унинг Марказий Комитети ишлаб чиққан социал программа изчиллик билан амалга оширилаётганлиги натижасида совет кишиларининг турмуши йил сайин тобора яхшиланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ўтган икки беш йиллик мобайнида аҳолининг реал даромадлари бир ярим баравар кўпайди, ижтимоий истеъмол фондларидан олинадиган тўлов ва имтиёзлар икки баравар ошди. 1981 йилда 1970 йилга нисбатан саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари икки баравардан кўпроқ реализация қилинди. Маиший хизмат ҳажми анча ошди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда эскириб қолган яроқсиз уй-жойларни замонавий ва шинам уй-жойлар билан алмаштириш тадбирлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. 1971—1980 йилларда жами саҳни 52 миллион квадрат метрдан кўпроқ янги уйлар қурилди. Ҳар йили 600 мингдан кўпроқ киши уй-жой шароитларини яхшилаб олмоқда. Шу вақт ичида 1,5 миллион ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар, 447 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 43 минг ўринли касалхоналар фойдаланишга топширилди. Газлаштириш кенг кўлам касб этди. Ҳозир аҳолининг 82 процентдан кўпроғи газдан фойдаланмоқда. Канализация, марказлаштирилган иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш каби коммунал хизмат турларида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган ва Олмалиқда троллейбус маршрутлари очилди. Тошкент метрополитени республиканинг фахри бўлиб қолди.

Халқнинг маънавий турмушида, фан ва маданиятни ривожлантиришда улуғвор ўзгаришлар юз берди.

Телевидение ва радио эшиттиришнинг қудратли базаси, театрлар, кутубхоналар, клублар ва маданият саройларининг, кино-театрлар ва музейларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилди.

Халқнинг турмуш даражаси ва маданий савиясини оширишда эришилган муваффақиятлар социалистик экономикани муттасил ва барқарор ривожлантиришга асослангандир. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи — пахтачилик қудратли равишда юксалмоқда, капитал қурилиш кенг кўламларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон ССР барча социал-иқтисодий планларни муваффақиятли уддаламоқда. У мамлакат республикаларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига тўққиз йил сурункасига сазовор бўлди.

Республикамиз янги беш йилликда ишларни яхши бошлаб, унинг биринчи йили планини ошириб бажарди, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши суръатларини янада кучайтиришни, капитал маблағларни ўзлаштиришни давом эттирмоқда. 1982 йилнинг уч ойи натижалари халқ хўжалигининг барча тармоқларини тобора ривожлантириш учун мустаҳкам негиз яратилганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг барқ уриб ривожланаётганлиги Ленин ғояларининг улуғворлигини, совет халқини юксак мақсад сари комил ишонч билан бошлаб бораётган Коммунистик партия донолигини, унинг миллий сиёсати тантанасини, мамлакат халқлари буюк қардошлигининг қудратли ҳаётий кучини намойиш этмоқда. «Совет Ўзбекистони доимо СССРдаги барча қардош СССР халқлари билан ёнма-ён, узвий бир сафда борганлиги учун ҳам у ўтмишдаги қолоқликдан шу қадар тез кўтарилиб ҳар томонлама ривожланган, гуллаб-яшнаб турган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айланишига муваффақ бўлди», —деди Леонид Ильич Брежнев.

Республиканинг барча ютуқларида унинг партия ташкилоти олиб бораётган ғоят катта собитқадам ташкилотчилик ва идеология иши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг моҳирона раҳнамолик роли мужассамлашган.

Республика партия ташкилоти халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришнинг ғоят муҳим вазифаларини сабот билан ҳал этабориб, турмушни социалистик асосда тобора қайта қуриш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти сифатида турмуш маданиятини оширишга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Бу масала Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида кўриб чиқилди, Тошкентда махсус чақирилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида тузилган аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгаши катта ташкилотчилик ишини олиб бормоқда. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилик қилаётган бу кенгаш республикани социал ривожлантириш программаларини амалга оширишга ёрдам бераётган қимматли тадбирларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқаётган жанговар, мувофиқлаштирувчи ва йўллаб турувчи марказга айланди.

Барча область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида ҳам худди шундай аҳоли турмуш маданияти масалалари билан шуғулланувчи кенгашлар ташкил этилган. Барча колхоз ва совхозларда раислар ва директорларнинг турмуш масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари лавозими жорий этилган.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш ва уни яхшилаш масалалари республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советида, министрликлар, идораларда, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол органларида мунтазам суратда кўриб чиқилмоқда. Бу масалалар кўпинча Ўзбекистон ССР Олий Советининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессияларида, уларнинг доимий комиссияларида муҳокама қилинмоқда.

Турмуш маданияти соҳасидаги вазифалар ғоят катта бўлиб, бу вазифалар иқтисодий қурилиш кўламини, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва реконструкциялашни, янги районлар ва қўриқ ерларни кенг ўзлаштиришни, юз минглаб кишиларни қўшимча равишда ишлаб чиқаришга жалб этишни ҳисобга олган ҳолда бундан кейин ҳам янада кўпроқ ортиб бориши шубҳасиздир. Ўн биринчи беш йилликда саноат маҳсулоти умумий ҳажмини 30 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртача йиллик ҳажмини эса 17 процент ошириш кўзда тутилмоқда. Барча манбалар ҳисобидан капитал маблағлар 18 процент кўпаяди. Қарши ва Жиззах чўлларида, Амударёнинг қуйи этакларида ва бошқа зоналарда 500 минг гектар ер ўзлаштирилиши керак.

Турмуш маданияти — аҳолига хизмат кўрсатишнинг деярли ҳамма соҳаларини қамраб оладиган проблемаларнинг кенг комплексидир. Бунда икир-чикирлар ҳам, иккинчи даражали ишлар ҳам йўқ, уларнинг ҳар бири бир хил даражада муҳим аҳамиятга эгадир. Гап, биринчидан, ишчи ва хизматчиларнинг ҳаммасига уларнинг иш жойларида юқори унумли меҳнат учун энг қулай маданий-маиший шароитларни вужудга келтириш, иккинчидан эса истиқомат жойларида хизмат кўрсатишни яхшилаш, бунда республика аҳолисининг сони тез ва барқарор суръатда ўсиб бораётганлиги каби муҳим омилни ҳисобга олиш тўғрисида бормоқда. Республикамизда ҳар йили ўртача ҳисобда 560 минг бола туғилмоқда. 1924 йилга нисбатан республика аҳолиси тўрт баравар кўпайиб, ҳозирги пайтда салкам 17 миллион кишига етай деб қолди. Шу вақт мобайнида республикамизда 97 та янги шаҳар пайдо бўлди, уларнинг кўплари йирик индустриал ва маданий марказларга айланди.

Ҳозир республикада янги —Навоий области ташкил этилди, унинг олдида ғоят қимматли хом ашё ресурсларига бой бўлган зонада ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг кенг истиқболлари очилган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги комплекс тадбирларни амалга ошириш учун республика қудратли моддий-техника базасига эга. Ана шу мақсадлар учун талайгина капитал маблағлар ажратилмоқда. Мавжуд маблағлар ва имкониятлардан моҳирлик билан самарали фойдаланиш керак, холос.

Маълумки, бизнинг социал программамизда уй-жой қурилиши ғоят муҳим масаладир. Айтиб ўтганимиздек, бу соҳада кўпгина ишлар қилинган. Кейинги ўн йил мобайнида республика жами уй-жой фондининг 32 проценти, яъни 52 миллион квадрат метр уй-жой барпо этилди. Шу беш йилликда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 30,3 миллион квадрат метр умумий уй-жой майдонларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда, 1982 йилда 6 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жойларни қуриб, фойдаланишга топшириш планлаштирилган.

Уй-жой қурилишининг белгиланган планларини муваффақиятли бажариш учун етарли имкониятлар мавжуд. Уйсозлик комбинатларининг ўзигина 3 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қура оладиган бўлди. Йирик панелли уйсозликда сифат ўзгаришлари юз берди, квартираларнинг шинамлиги яхшиланмоқда, шундай квартиралар Тошкент, Самарқанд, Фарғонада кўплаб фойдаланишга топширилди. Тошкентда ҳажмли — блок уйсозлиги заводи қуриб биткaзилмоқда, бу завод уй-жой хоналарини шу ернинг ўзида йиғиш имконини беради.

Бироқ уй-жой қурилиши ҳажмларининг анча ошганлигига қарамай, аҳолини уй-жой билан таъминлаш проблемаси ҳамон ғоят муҳим проблема бўлиб қолмоқда. Демак, уй-жой проблемасини ҳал этиш устида бундан буён ҳам зўр бериб сабот билан ишлаш, умуман республикада барча министрликлар, идоралар, областлар, шаҳарлар, районлар ҳамда пул билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича уй-жой қурилиши топшириқларини сўзсиз бажариш зарур.

Ҳолбуки, уй-жой тўғрисида ҳамма жойда ҳам чинакам ғамхўрлик қилиняпти, деб бўлмайди. Ўтган йили Қашқадарё область ижроия комитети, Пахта тозалаш ва Озиқ-овқат саноати министрликлари ҳамда бошқа бир қанча ташкилотлар уй-жойларни фойдаланишга топшириш планлари бажарилишини таъминламадилар, улар жами 37 минг квадрат метр турар жой саҳнини кам қуриб бердилар.

Уйсозлик комбинатларининг қувватларидан янада тўлиқ фойдаланиш уй-жой қурилишини кенгайтиришнинг катта резервидир. Аммо бунинг учун ҳозирча ҳамма иш қилинаётгани йўқ. Ташкилий ва техникавий нуқсонлар сабабли Ангрен, Гулистон, Қарши, Нукус, Термиз, Жомбойдаги комбинатларнинг қувватларидан атиги 60—65 процент атрофида фойдаланилмоқда. Тошкентдаги 2 ва 4-комбинатларда ҳам аҳвол худди шундай. Умуман республикада уйсозлик комбинатлари йилига 400 минг квадрат метрга қадар уй-жойни кам қуриб бермоқда.

Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», «Главташкентстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, бизнинг ҳаммамиз уйсозлик комбинатларнинг ишини тубдан яхшилашимиз зарур.

Тошкентдаги уй-жой қурилиши тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Республика пойтахтида беш йил мобайнида 6 миллион квадрат метрга қадар, шу жумладан бу йил бир миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдонларини фойдаланишга топшириш керак. Бу — қурилиш ишларининг реал программасидир.

Шу программанинг амалга оширилиши учун конкрет топшириқлар белгиланган Тошкент шаҳар ва район ижроия комитетлари, «Главташкентстрой». министрликлар ва идоралар юксак даражада масъулдирлар. Республика Госплани, Госстройи, Госснаби пландаги уй-жой, маданий-маиший объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилиши билан боғлиқ барча вазифаларни оператив ҳал этишлари керак.

Қурилишдаги туб проблемалардан бирига — унинг сифатига ғоят зўр эътибор берилиши зарур. Бу ишда жуда жиддий камчиликлар борлигини дангал айтиб ўтиш керак. Масалан Самарқанд, Бухоро, Урганч, Нукус, Тошкент каби бир қанча шаҳарларда турар жой бинолари уларга кўчиб кирган оилаларнинг таъбини хира қилувчи катта нуқсонлар билан топширилган. Аҳоли ана шундай уйларга кўчиб киргандан кейин қурилиш ишларининг сифати ёмонлиги, квартираларни янгидан пардозлаётганликлари, полларни қайтадан тўшаб, эшикларни ўзгартираётганликлари, умуман қурилиш ташкилотлари йўл қўйган нуқсонларни бартараф этаётганликлари сир эмас-ку, ахир. Бу —тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

Қурилишда брак ишларга ва бракчиларга панжа орасидан қараш каби йўл қўйиб бўлмайдиган ҳоллар қатъий равишда тугатилиши лозим.

Госстрой ва унинг жойлардаги органлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган тартибга қатъий риоя этишлари, чала қолган ва нуқсонлари бўлган уйларни қабул қилиш ҳолларига батамом барҳам беришлари керак.

Шаҳарларда бўлгани каби, қишлоқда ҳам уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Ўтган икки беш йиллик мобайнида қишлоқ жойларда 29 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 600 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, кўплаб мактабгача тарбия, даволаш, маданий-маърифий муассасалар қурилди. Шу беш йилликда қишлоқ районларида 17 миллион квадрат метр ҳажмда ёки ўнинчи беш йилликдагига қараганда 12 процент кўп уй-жойлар барпо этилиши керак.

Бош планлар асосида комплекс равишда қурилган колхоз ва совхоз посёлкаларининг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги, масалан, Ғалаба районидаги «Огонек» совхозининг, Жиззах районидаги «Москва», Боғот районидаги Нариманов номли, Сирдарё районидаги «Ленинград», Пахтачи районидаги «Коммунизм», Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозларининг, Поп районидаги В. И. Ленин номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг поселкалари ўз ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам, шунингдек турмуш ва маданият шароитлари жиҳатидан ҳам шаҳарлардагидан асло фарқ қилмайди. Бу —шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш тўғрисида партиянинг энг асосий кўрсатмасини амалга ошириш йўлидаги катта қадамдир.

Қишлоқни социалистик негизда қайта қуриш, қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш масалалари бундан буён ҳам совет ва хўжалик ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Шу муносабат билан хутор системасини тугатиш каби социал проблемани сабот билан ҳал этиш керак. Ўтган ўн йил мобайнида 9300 дан кўпроқ хутор аҳолиси колхоз ва совхозларнинг обод посёлкаларига кўчирилди. Аммо бир қанча областларда, масалан Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва бошқа областларда, Қорақалпоғистон АССРда 8 мингга яқин хутор бўлиб, уларнинг ҳар бирида 15 тагача хўжалик мавжуд. Хутор системасини батамом тугатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, бу иш яқин йиллар ичида тугатилишига эришиш зарур. Шу ишни бажариш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳамма жойда бу ишга активлик билан киришиш зарур.

Кейинги олти йил мобайнида асосан қўриқ ерларда 23 та янги қишлоқ районлари ташкил этилди. Район марказларини, совхоз посёлкаларини жадал қуриш, аҳолини обод уй-жойлар, коммунал ва маданий-маиший хизматнинг барча турлари билан таъминлаш — «Главсредазирсовхозстрой», Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети ва маҳаллий Советларнинг кундалик эътиборини талаб қилувчи ғоят муҳим вазифаларнинг биридир. Аммо мазкур районлардаги қурилиш ишлари ерларни ўзлаштириш суръатларидан орқада қолмоқда, бу эса чўлқуварлар учун зарур турмуш шароитларини вужудга келтиришга ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд катта резервларидан тўлиқ фойдаланишга салбий таъсир ўтказмоқда.

Қўриқ районларда иш олиб бораётган ташкилотлар халқ хўжалик планида кўзда тутилган уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишини жадаллаштиришлари зарур. Янги барпо этилган бошқа районлар, шаҳарлар ва посёлкаларда ҳам худди шундай вазифаларни ҳал этиш керак.

Маълумки, Назарбекдаги ер қимирлаш ҳамда Қорақалпоғистон ва Хоразм областида талайгина моддий зарар етказган бултурги тошқинлардан кейин табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, уй-жой, мактаблар ва бошқа объектлар қурилишини кенг авж олдириш соҳасидаги ишлар қизитиб юборилди. Ҳозирдаёқ кўп ишлар бажариб қўйилди. Қолган ишлар ҳажмининг ҳаммаси 1982 йилда батамом бажарилиши тўғрисида жон куйдириш муҳимдир. Бунинг учун барча зарур ресурслар ажратилган, шу ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш керак.

Кейинги йилларда шаҳарларда ва қишлоқ районларида уй-жой кооперацияси кенг ривож топди. Шу беш йилликда аҳолининг маблағлари ҳисобига 2 миллион 300 минг квадрат метр ҳажмда кооператив уй-жойларни қуриш кўзда тутилган. Маҳаллий Советлар, Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликлари, «Главташкентстрой» ва «Узколхозстрой» ана шу топшириқларга юксак масъулият ҳисси билан муносабатда бўлишлари шарт. Кооператив уй-жой қурилиши юзасидан 1982 йил планини умуман республикада йилнинг биринчи ярмида, Тошкент областида эса тўққиз ой мобайнида бажариш яқин орадаги амалий вазифадир.

Якка тартибда уй-жой қурилиши анча кенгайтирилиши керак. Шу беш йиллик мобайнида жами саҳни 13 миллион квадрат метрга борадиган якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши мўлжалланмоқда. Бундай уй-жойларни типовой лойиҳаларга қатъиян мувофиқ равишда, зарур инженерлик коммуникациялари ётқизилиши лозим бўлган ва шу мақсадлар учун ажратилган массивларда район ҳамда шаҳар архитекторларининг назорати остида барпо этиш керак.

Қурилиш бош планларининг талабларига қатъий риоя этиш жуда катта аҳамиятга эга. Барча шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, район марказлари, колхозлар, совхозларнинг марказий қўрғонлари ана шундай бош планлар билан таъминланган.

Аммо бош планлар ҳамма жойда ҳам қурилишнинг асоси бўлиб қолди деб бўлмайди, баъзи жойларда бош планлардан четга чиқишга йўл қўйилмоқда. Жумладан Қарши, Каттақўрғон шаҳарларида, бир қанча қишлоқ районларида, колхозлар ва совхозларда шундай фактлар юз берди. Бу эса уларнинг ташқи кўриниши ёмонлашувига ва аҳолига хизмат кўрсатишда камчиликларга сабаб бўлди. Бош планни ўз билганича ва пухта ўйламасдан ўзгартиришга батамом барҳам берилиши керак.

Барча янги қурилиш районларида аҳолига яхши маиший шароитларни вужудга келтирмоқ учун турар жой массивларининг комплекс қурилишини таъминлаш зарур.

Уй-жой фондини яхши асраш ва ундан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам тобора катта аҳамият касб этмоқда.

1982 йилнинг 1 январида республиканинг умумий уй-жой фонди салкам 170 миллион квадрат метрни ташкил этди. Ана шу уй-жойлар қайси йўл билан — давлат, кооператив йўли билан ёки якка тартибда барпо этилганлигидан қатъий назар яхши ҳолатда сақланиши керак.

Турар-жой майдонларини сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш мақсадида кўп иш қилинганлигига қарамай, бу соҳада ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Кўпгина уйлардаги инженерлик қурилмалари бир маромда ишламаяпти. Капитал ва жорий ремонт тартибга солинмаган. Кўпинча бундай ремонт ишлари кечиктириб ва сифатсиз ўтказилмоқда. Ремонт ишларига ажратилаётган бинокорлик материалларидан хўжасизларча фойдаланишга, уларнинг талон-торож қилинишига йўл қўйилмоқда. Бир қанча турар-жой кварталларида уйларнинг пештоқлари, зинапоялари, ҳовлилари кўримсиз аҳволда бўлиб, яхши ёритилмаган ва ободонлаштирилмаган. Бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди. Маҳаллий Советлар ва уй-жой хўжалиги органлари бу аҳволни тузатишлари керак.

СССР Олий Советининг «Уй-жой хўжалигини ривожлантириш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни асрашни яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикада уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари мустаҳкамланмоқда. Областларда уй-жой хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмалари, шаҳарларда эса трестлари ва бошқармалари тузилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Коммунал хўжалиги министрлиги Уй-жой коммунал хўжалиги министрлигига айлантирилганлиги шунчаки вивескани ўзгартириш бўлмай, балки уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тўла асраш ишида министрликнинг, унинг маҳаллий органларининг ишини тубдан яхшилашга кўмаклашиши лозим бўлган катта ташкилий ва халқ хўжалик аҳамиятига молик тадбирдир.

Турмуш маданияти республика кенгашининг тавсияларига мувофиқ қишлоқ хўжалик министрлиги марказий аппаратида колхоз ва совхозларга коммунал хизматини кўрсатиш Бош бошқармаси ҳамда Мева-сабзавот хўжалиги министрлигида ва «Главсредазирсовхозстр о й» ва худди шундай бўлинмалар ва уларнинг маҳаллий бўлинмалари тузилганлиги қишлоқ аҳолисига коммунал хизматини яхшилашга худди шундай тарзда ёрдам бериши керак.

Шу йил жами саҳни салкам икки миллион квадрат метрга борадиган уй-жойларни ремонт қилиш кўзда тутилган. Давлат фондидаги уй-жойларни капитал ремонт қилиш учун 66 миллион сўм ажратилган. Бу маблағлардан оқилона ва тўлиқ фойдаланиш керак.

Уй-жойларнинг сақланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш бутун жамоатчиликнинг ғоят муҳим бурчидир. Маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ҳар бир уйни, ҳовлини микрорайонни намунали аҳволда сақлашга, уларнинг ободончилигини яхшилашга қаратилган актив ишларга аҳолини кенг кўламда жалб этишлари лозим. Бу соҳада Чирчиқ, Навоий. Советобод ҳамда бошқа шаҳар ижрокомлари, Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари қимматли тажриба тўплаганлар.

Уйлардан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш эҳтиёжларини зарур материал-техника ресурслари билан планли равишда ва ўз вақтида таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Госплан, Госснаб, Уй-жой коммунал хўжалиги министрлиги республика саноат корхоналарида уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари учун запас қисмлар, кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўйлаб кўришлари керак. Ҳамма жойда аҳолига турмушда зарур бўлган санитария узеллари учун запас қисмлар, водопровод кранлари ва бошқа буюмлар сотишни йўлга қўйиш керак.

Яна бир муҳим масала борки, унинг ҳал этилиши уй-жой хўжалигини бошқаришни янада яхшилаш учун шубҳасиз аҳамиятга эга. Маълумки, ҳозирга қадар уй-жойларнинг талайгина қисми кўпгина идоралар қарамоғида тарқоқ бўлиб, уй-жой биноларидан фойдаланишни тўғри ташкил этишга халақит бермоқда. Шу беш йилликда идораларга қарашли уй-жойларни халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиш асосан ниҳоясига етказилиши зарур.

Коммунал хўжалиги аҳоли турмуш маданиятини оширишда қандай катта роль ўйнаши ҳаммага маълум. Ўтган беш йиллик мобайнида шаҳарларда ва қишлоқда сув тақсимлаш иншоотларининг кўпгина қувватлари ва 4 минг километрдан зиёд водопровод шохобчалари фойдаланишга топширилди. Белгиланган планлардан ташқари Урганч —Хива, Зарафшон — Бухоро, Қуйимозор— Бухоро — Когон, Узунқудуқ — Фориш ва бошқа магистрал қувур ариқлар барпо этилди. Кўрилган чоралар аҳолига етказилиб бериладиган сув ҳажмини 1,4 баравар ошириш имконини берди.

Шу билан бирга айрим районларнинг аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ҳамон ўткир проблема бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати аҳолини сув билан таъминлашни нормаллаштириш мақсадида Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм областларида водопроводларни янада кенгайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилдилар. Тошкент областида Чирчиқ—Чиноз, Хоразм областида — Туямўйин—Урганч, Қашқадарё областида Шаҳрисабз — Қарши каби йирик қувур ариқлар барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда Бухоро областида ва Қорақалпоғистонда аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги, жумладан Туямўйин —Нукус ўртасида кучли қувур-ариқ қурилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Барча аҳоли пунктларида сув таъминоти янада яхшиланади. Бироқ сув ресурсларининг тўлдирилиши коммунал хўжалиги органларининг, бошқа барча хўжалик ташкилотларининг, маҳаллий Советларнинг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш учун масъулиятини асло пасайтирмай, балки аксинча яна ҳам кўпроқ оширади.

Биз кўпинча талайгина посёлкаларда ирригация тармоқларининг йўқлиги ва уларнинг хароб ҳолда эканлиги сабабли водопровод сувининг анча қисми кўчалар, ҳовлиларга сепишга, томорқаларни суғоришга сарфланаётганлиги каби нонормал фактларга дуч келмоқдамиз. Квартиралардаги санитария-техника қурилмаларининг, кўчалардаги колонкаларнинг носозлиги сабабли кўп сув исроф бўлмоқда.

Қиш фаслида Андижон, Бухоро, Самарқанд, Намангандаги уй-жойларда, Тошкентнинг бир қанча турар-жой массивларида квартиралар яхши иситилмаётганлиги тўғрисида кўпдан-кўп шикоятлар тушмоқда. «Союзузбекгазпром» бирлашмаси Фарғона водийси аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилашдан иборат кечиктириб бўлмайдиган масалаларни суст ҳал этмоқда.

Аҳоли турмуш маданиятини муттасил ошириш республикада шаҳарларни, барча аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги катта ишларни бажариш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўнинчи беш йиллик мобайнида 750 миллион тупдан кўпроқ кўчат ўтқазилди. Шу ишлар бундан буён ҳам жадал олиб борилади. Ободонлаштиришнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Эндиликда бу базанинг уч мингдан кўпроқ махсус машина ва механизмлари бор. Шаҳарларни обод қилиш юзасидан республика социалистик мусобақаси авж олдириб юборилди. Ҳамма жойда якшанбаликларни мунтазам суратда ўтказиш анъана бўлиб қолди, бу якшанбаликларда аҳолининг кенг оммаси иштирок этмоқда. Шундай бўлса-да, бу ишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бир қанча шаҳарларда, аҳоли пунктларида кўчалар ва ҳовлиларни мунтазам тозалаб туриш йўлга қўйилмаган. Санитария хизмати ишларни тартибга солишда етарли даражада принципиаллик кўрсатмаяпти.

Аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган ободонлаштириш, санитария озодалиги масалалари ҳамиша маҳаллий Советларнинг, Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги органларининг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг диққат-марказида туриши керак. Фаррошларнинг кўпдан-кўп штатларидан янада оқилона фойдаланиш, санитария тозалиги хизматлари иши устидан контролликни кучайтириш лозим.

Ҳар куни республикамиздаги миллионлаб кишилар турли корхоналар, хизмат муассасалари, ташкилотлар билан жуда яқин муомалада бўладилар, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу кишиларнинг турмуши, фаровонлиги, кайфияти уларнинг фаолиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Шу боисдан, мазкур соҳаларнинг ҳар бир бўғини аниқ-пухта ва бир маромда ишлаши, аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ва яхшироқ қондириши зарур.

Халқ истеъмол қиладиган ва тобора кўпайиб бораётган молларнинг аҳолига етказилишини таъминлаши, халқ фаровонлигини оширишга актив кўмаклашиши лозим бўлган савдонинг жуда катта роль ўйнаши ҳаммага маълум. Савдо хизматида талайгина ижобий натижаларга эришилган. Товар обороти ҳажми ошмоқда, харидорларга хизмат қилишнинг илғор формалари кенг жорий этилмоқда. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ресурслари аҳолини шу маҳсулотлар билан нормал таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга савдонинг эришилган даражаси ва хизмат кўрсатиш сифати ҳозирча бу тармоқ олдига қўйилаётган шу кунги талаблардан орқада қолмоқда.

Савдо ташкилотлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларини тузишга ҳали етарлича таъсир ўтказмаяптилар. Молларнинг айрим турларига бўлган эҳтиёжларни аниқлашда хато ва нуқсонларга, уларни сотишда узилишларга йўл қўйилмоқда, харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари яхши ҳисобга олинмаяпти. Баъзи ходимларнинг савдо қоидаларини бузишлари каби салбий ҳоллар, шунингдек чайқовчилик мақсадида камёб молларни яшириб қўйиш, талон-торож қилиш ва растрат каби шармандали фактлар ҳали бартараф этилган эмас. Умумий овқатланиш корхоналарининг хизматларидан ҳар куни салкам тўрт миллион киши фойдаланмоқда. Умумий овқатланишни ривожлантиришдаги каттагина силжишларга қарамай, бу соҳада ҳали талайгина жиддий нуқсонлар мавжуд. Саноат корхоналари, қурилишлар, ўқув юртларининг кўпгина ошхоналарида хизмат кўрсатиш маданияти паст, таомларнинг хили чекланганлиги ва сифати ёмонлиги тўғрисида истеъмолчилар кўп эътироз билдирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўн биринчи беш йилликда савдони янада ривожлантириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида республикада каттагина тадбирларни амалга ошириш зарур. Шу беш йилликда чакана товар обороти ҳажмини 41 процент ошириш кўзда тутилмоқда, 1985 йилда эса у 15 миллиард сўмни ташкил этиши керак. Савдони ривожлантиришга 419 миллион сўм ажратилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув, идораларга қарашли ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

таъминоти бўлимлари савдо ва умумий овқатланишни янада ривожлантириш ҳамда яхшилашни таъминдашлари, бевосита ишлаб чиқаришда ва истиқомат жойларида аҳолига савдо хизмати даражасини анча оширишлари шарт. Савдо корхоналари ишининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, товар ресурсларининг тўғри тақсимланиши чораларини кўриш, товар оборотини планлари муваффақиятли бажарилишига эришиш зарур.

Аҳолига сотиш учун товар запасларини кўпайтиришда саноатимизнинг роли ғоят катта. 1982 йилда саноатимиз пландан ташқари 250 миллион сўмлик, беш йиллик мобайнида эса камида бир миллиард 200 миллион сўмлик халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариши керак. Бу топшириқ сўзсиз бажарилиши лозим.

Айни вақтда умумий овқатланишни янада яхшилаш мақсадида қўшимча ресурсларни жалб этиш керак. Ган корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида бормоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 503 та шундай хўжалик бўлиб, улар ҳар йили ошхоналарга 17 минг тонна мева-сабзавот, 800 тонна гўшт, 1400 тонна сут, кўп миқдорда тухум ўтказиб бермоқдалар. Якин вакт ичида истисносиз барча катта корхоналарда, қурилиш ташкилотлари ва бошқа коллективларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилишига эришиш зарур.

Озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришнинг муҳим манбаи бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар тўғрисида ҳам доимо ғамхўрлик қилиниши керак.

Маиший хизмат соҳасининг социал аҳамияти ғоят катта. Маиший хизмат халқ хўжалигининг йирик тармоғи бўлиб келди. Бу тармоқда 100 минг ишчи ва хизматчи банддир. Аҳолига салкам 700 хил хизмат кўрсатилмоқда. Лекин маиший хизматни ривожлантириш аҳолининг ортиб бораётган талабларидан анча орқада қолмоқда.

Маиший хизмат корхоналарида, хусусан кийимларни химиявий тозалаш, кийим ва пойабзални якка тартибда тикиш, кир ювиш ишларидаги мавжуд қувватлардан ва янги ишга туширилган қувватлардан яхши фойдаланмаяптилар. Рўзғор техникаси ремонтига нисбатан ошиб кетган талаб-эҳтиёжлар яхши ҳисобга олинмаяпти. Уйларга иш беришни ташкил этиш имкониятларидан ёмон фойдаланилмоқда.

Хусусан Қашқадарё, Самарқанд областларидаги бир қанча қишлоқ районларида маиший хизмат ҳажми жуда паст, бундай хизмат ҳар бир аҳолига ҳисоблаганда йилига 5—7 сўмликдан ошмайди. Умуман республикада 476 колхоз ва совхозда комплекс қабул пунктлари ташкил этилмаган. Олис яйловлардаги чўпонларга, тоғли районларнинг аҳолисига, геологларга ва янги ерларни ўзлаштирувчиларга хизмат кўрсатиш етарли даражада йўлга қўйилмаган. Айрим қурилиш ташкилотлари маиший хизмат объектларини барпо этиш ва фойдаланишга топшириш планларини мунтазам суратда бажармаяптилар. Чунончи, Тошкентда 1978 йилдаёқ қурила бошлаган холодильниклар, кир ювиш машиналари, соатлар ва бошқа рўзғор техникасини ремонт қиладиган корхона шу пайтгача тугалланган эмас, вақоланки бу корхона 1980 йилда фойдаланишга топширилиши керак эди.

Барча хизматларнинг 80 процентини бажараётган Маиший хизмат министрлиги аҳолига хизмат кўрсатишни қатъий яхшилаши, ҳар бир корхона ишининг юксак даражада бўлишини таъминлаши, қолоқ участкаларни илғорларга тенглаштириб олиши шарт. Министрлик шу йилнинг биринчи кварталида топшириқни илк бор уддалай олмади. 39 корхона аҳолига салкам бир миллион сўмлик ҳар хил хизматни кам бажарди. Бунинг устига буюртмаларнинг паст сифат билан бажарилишига йўл қўйилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда маиший хизмат соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини қарийб 60 процент ошириш кўзда тутилган, бу эса ўртача Иттифоқ кўрсаткичидан анча юқоридир. Белгиланган ишларнинг ҳаммаси бажарилиши керак. Бунда маҳаллий Советлар, меҳнат коллективларининг раҳбарлари катта роль ўйнайдилар.

КПСС XXVI съезди хизмат кўрсатиш соҳасини энг биринчи партиявий иш эканлигини уқтириб ўтди. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги масъулиятли топшириқлар юкланган барча ташкилотлар бу ишга худди шундай муносабатда бўлишлари керак.

Социал вазифалар орасида совет кишиларининг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилишдан муҳимроқ вазифа йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасида қилинган ва қилинаётган ишлар халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш учун ҳақиқатдан ҳам бебаҳо аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларида олға қараб жуда катта қадам ташланди, бу соҳадаги ишлар медицина фани ва практикасининг энг янги ютуқлари асосида олиб борилмоқда. Касалхоналар, амбулатория-поликлиника муассасалари, медицина-санитария қисмлари, консультацияларнинг кенг шохобчаси мавжуд бўлиб, уларда ҳозир 49 минг врач ва 144 мингдан кўпроқ ўрта маълумотли медицина ходимлари ишлаб турибди. Бугунги кунда бизнинг поликлиникаларимиз бир сменада 170 минг кишини — 1970 йилдагига қараганда 80 минг нафар кўп кишини қабул қила олади. Ихтисослаштирилган медицина ёрдами ҳар томонлама ривож топди.

Бироқ аҳолига медицина хизмати кўрсатишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Бир қанча соғлиқни сақлаш муассасаларида даволашнинг юқори сифатда бўлиши таъминланмаган, тез медицина ёрдами ҳали ҳамма жойда ҳам етарли даражада йўлга қўйилган эмас. Юқумли касалликларни даволаш ва уларни олдини олишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Аҳолини ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлашда узилишлар қайд этилди. Айрим медицина ходимларининг беморларга нисбатан эътиборсизлик, баъзан эса бефарқ муносабатда бўлиш фактларига барҳам берилмаган, бу эса айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол бўлиб, бундай ҳолларга қарши курашни кучайтириш талаб этилади.

Соғлиқни сақлаш органлари ўзининг бутун фаолиятида КПСС XXVI съездининг совет кишисига ҳамиша ва ҳамма жойда ўз вақтида малакали ва меҳрибонлик билан медицина ёрдами кўрсатилиши учун ҳамма ишни қилиши зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларга кенг амал қилишлари шарт.

Катта корхоналар ва қурилишларда медицина-санитария қисмлари ва профилакторийлар тармоғини кенгайтириш, турар-жой массивларида шаҳар поликлиникаларининг филиалларини ҳамда иш ва ўқиш жойларида соғлиқни сақлаш пунктларини ташкил этиш борасидаги тадбирларни амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, санитария-оқартув ишларини кучайтириш — Соғлиқни сақлаш министрлигининг бурчидир.

Қурилиш ташкилотлари соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш топшириқларини бажаришга кўпроқ масъулият билан муносабатда бўлишлари керак. Самарқандаги 750 ўринли кўп профилли касалхона етти йилдан буён қурилаётганлиги каби нопормал ҳолга тоқат қилиш мумкинми ахир, вақоланки планда уни тўрт йил ичида барпо этиш кўзда тутилган эди! Тошкентда кейинги йиллар мобайнида 11 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади, бунинг натижасида касалхоналарда 960 ўрин фойдаланишга топширилмади.

Аҳолининг соғлигини сақлашни яхшилашга қаратилган тадбирларда шифохоналар, дам олиш уйлари ва шаҳардан ташқари дам олиш зоналари, пионер лагерлари шохобчаларини ривожлантириш тадбирлари каттагина ўринни эгаллайди. Шу тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги яхши натижалар бермоқда. «Чимён», «Чортоқ» санаторийлари, Чимён, Шоҳимардон, Зоминдаги ва бошқа дам олиш зоналари ҳозирдаёқ кенг шуҳрат қозонди. Меҳнаткашларнинг йил бўйи яхши дам олишини ва уларни даволашни ташкил этиш учун Ўзбекистоннинг ғоят бой табиий иқлим шароитларидан бундан буён ҳам тўлиқроқ фойдаланиш муҳимдир.

Кишилар соғлиғи тўғрисидаги ғамхўрлик физкультура ва спортни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Республикада физкультура ҳаракати тобора кенгайиб, унинг моддий базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир республикада 3 миллион 500 минг кишини бирлаштирган 11 мингдан кўпроқ физкультура коллективлари бор. 150 стадион, 1800 дан зиёд спорт заллари, кўпдан-кўп сузиш ҳавзалари, футбол майдонлари, спорт майдончалари улар хизматида.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада юксалтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика маҳаллий Советлари, Спорт комитети ва унинг органлари, кўнгилли спорт жамиятлари, хўжалик органлари, барча меҳнат коллективларининг раҳбарлари физкультура-оммавий ишини кучайтиришлари, унга аҳолининг кенг қатламларини жалб этишлари зарур. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳар бир меҳнат коллективида ва ҳар бир микрорайонда спорт базалари ва саломатлик группалари ташкил этилган бўлсин.

Бизнинг республикамиз тугилиш даражаси жиҳатдан мамлакатда олдинги ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллаб турибди. Ҳозир бизда ундан бешгатача ва ундан ҳам кўпроқ фарзанди бўлган 1 миллион 220 минг оила бор. Шундай шароитда жамоат мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтириш ва уларнинг ишини такомиллаштириш катта аҳамият касб этди. Аҳоли турмуш маданияти масалаларини билан шуғулланувчи республика кенгашининг ташаббуси билан Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантириш комплекс программаси амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикада 7605 та болалар боғчалари ва яслилари бўлиб, уларда салкам бир миллион бола тарбияланмоқда. 1985 йилга бориб, болалар сони 400 мингга ортади. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб ярми мактабгача тарбия муассасалари билан қамраб олинади. Мана шу жуда муҳим проблемани ҳал этишда ғоят актив иштирок этиш — корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг, маҳалий Советларнинг бурчидир.

Аҳолига транспорт ва алоқа хизматини яхшилаш манфаатлари йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак.

Халқ хўжалигининг ҳар куни юз минглаб кишиларга хизмат кўрсатиши лозим бўлган ана шу тармоқларида каттагина силжишлар содир бўлди. Транспорт алоқалари доимо кенгайтирилмоқда, замонавий шинам пассажир вагонлари, самолётлар, автобуслар кўпдан-кўп трассаларга чиқди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида авиация, темир йўл, шу жумладан электрлаштирилган темир йўл ва автомобиль транспортининг юзлаб янги маршрутлари очилди.

Аммо транспорт ишида нуқсонлар ҳам бор. Афсуски, темир йўл ва автобус станцияларида, аэропортларда, шаҳар транспортида пассажирларга хизмат кўрсатиш даражаси паст бўлаётган ҳоллар кўплаб учраб туради.

Алоқа органлари талайгина ишларни бажардилар. 1970 йилга нисбатан шаҳар телефон тармоғининг ҳажми уч баравар, қишлоқ телефон тармоғининг ҳажми эса тўрт баравар кўпайди. Салкам 900 та янги алоқа узеллари ва бўлимлари очилди. Радио ҳар бир оиланинг турмушига мустаҳкам сингиб кетди, телевидение кенг ривожлантирилди.

Аммо бу соҳада ҳам «танг» жойларни тезроқ бартараф этиш, аҳолига почта, телеграф ва телефон алоқаси хизматини бутун чоралар билан яхшилаш лозим. Масалан, шуни айтиш кифоякки, қурилиш ташкилотлари, Алоқа министрлиги органлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари фаолияти етарлича контроллик қилинмаётганлиги ва улар ўртасида ҳамжиҳатлик йўқлиги сабабли хусусан янги қурилиш районларидаги кўпгина уй-жой бинолари ва квартираллар, телефон станцияларида талайгина бўш жойлар бўлишига қарамай, телефонлаштирилмаган.

Олисдаги ва тоғлардаги баъзи қишлоқларнинг аҳолиси ҳозирча телевиденциедан фойдаланиш имкониятидан маҳрумдир. Уларнинг айримлари ҳали радиолаштирилмаган. Яқин икки-уч йил ичида республиканинг бутун аҳолисини телевидение ва радиоэшиттириш билан тўла қамраб олиш ишларини ниҳоясига етказиш зарур.

Транспортда ҳам, шунингдек алоқада ҳам 1982 йилда ва умумав ўн биринчи беш йилликда қувватларни ошириш ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматни кенгайтириш бажариш кўзда тутилмоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, транспортчилар ва алоқачилар зиммага юклатилган топшириқларни муваффақиятли бажарадилар.

Ўзбекистоннинг ҳаёти ва муваффақиятлари билан таништи учун келаётган кўпдан-кўп меҳмонларга, совет ва чет эл туристларига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш тадбирларини ҳам амалга ошириш керак бўлади. Уларни транспорт ва алоқа билан таъминлаш, меҳмонхоналарда ва ресторанларда уларга намунали хизмат кўрсатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш муҳимдир.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш манфаатлари — бой маънавий имкониятлардан, меҳнаткашлар оммаси ўртасида тарбиявий ишларнинг барча форма ва воситаларидан — театрлар ва маданият саройлари, клублар ва кутубхоналар, концерт ташкилотлари ва бадиий ҳаваскорлар, музейлар ва парклардан янада тўлиқ ҳамда моҳирона фойдаланишни тақозо этади. Идеология иши ихтиёрида кенг ривож топган матбуот ва китоб нашр этиш, кино, радиоэшиттириш ва телевидение, оммавий ахборотнинг бошқа синалган воситалари мавжуд.

Оммани, хусусан ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбияшда тарих ва маданият, жанговар ва меҳнат шуҳрати обидалари катта роль ўйнайди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда, меҳнат коллективларида партия ташкилотлари раҳбарлигида катта ва самарали маданий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Бу ишнинг ҳаёт билан, халқ хўжалиги вазифалари билан алоқаси мустаҳкамланмоқда. Бироқ, айниқса қишлоқдаги бир қанча маданият муассасаларининг фаолияти аҳолининг ошиб кетган маълумот, маданият савияси ва талаб-эҳтиёжларига ҳамиша ҳам мос келяпти, деб бўлмайди. Аҳолининг истиқомат жойларида, ётоқхоналарда, айрим аҳоли пунктларида маданий-маърифий ишлар ҳамма жойда мунтазам олиб борилаётгани йўқ. Кўпгина қишлоқ клублари ўз фаолиятини кинофильмлар кўрсатиш билангина чеклаб қўймоқда, меҳнаткашларни бадиий ҳаваскорликка суст жалб этмоқдалар, ўз ишларида қишлоқ зиёлиларининг кучига таянмаяптилар.

Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари, Маданият министрлиги, Кинематография давлат комитети, Госкомиздат, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС XXVI съезди қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, маданий-маърифий фаолиятнинг барча форма ва методларидан тўлиқроқ фойдаланиш соҳасидаги ишларни яна ҳам активроқ олиб боришлари керак.

Ҳар бир клубда, ҳар бир маданият саройида кун сайин сермазмун, мароқли иш олиб борилишига эришиш зарур.

Кутубхоналарда хизмат кўрсатиш, китоб савдоси бутун чоралар билан яхшиланиш талаб этилади. Хусусан, қишлоқда китоб магазинлари тармоғини ва кўчма китоб савдосини кенгайтириш керак.

Оммани совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, СССР халқларининг буюк қардошлиги руҳида тарбиялаш вазифаларини бундан буён ҳам маданият муассасаларининг диққат марказида туриши керак. Янги ватанпарварлик анъаналарини, совет турмуш тарзи вужудга келтирган байрамлар ва турмушдаги маросимларни пропаганда қилиш ва жорий этишни кучайтириш лозим.

Ҳамиша бўлганидек, эндиликда ҳам турмуш маданиятини ошириш проблемаларини ҳал этишда биз ҳаммамиз республика олимлари, ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, санъат ва маданият арбобларининг актив ёрдамига умид боғлаймиз.

Маданий-маиший хизматнинг барча соҳаларидаги кенгайиб кетган кўламдаги шу соҳалар учун малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришни тақозо этади. Олий ва ўрта ўқув юртларининг тегишли факультетлари ҳамда бўлимларига ва ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабулини кенгайтириш, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида юқори синф ўқувчиларини хизмат соҳасидаги касбларга ўргатишни ташкил этиш зарур. Маиший хизмат соҳасида ишлаш учун пенсионерларни кенг жалб этиш керак.

Халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари Конституцияда ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланишлари, Советлар территориясига жойлашган ҳамда аҳолига социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишини кун сайин мувофиқлаштириб назорат қилиб туришлари лозим. Айниқса ҳозир маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўрилаётган даврда сайловчиларнинг наказалари ва таклифларини бажариш борасидаги ишларни кучайтириш муҳимдир.

Турмуш маданиятини ошириш ишидаги муваффақиятлар ғоят кўп даражада министрликлар ва идораларнинг, бошқарув барча органларининг иш услуби ва методларига боғлиқ бўлади. Раҳбарларнинг, аппарат ходимларининг асосий кучгайратлари амалий ишга, масалаларни амалда ва оператив ҳал этишга қаратилиши керакки, аҳоли ўзининг талаб ва эҳтиёжлари тўлароқ қондирилиши тўғрисида ортиб бораётган ғамхўрликнинг реал натижаларини кун сайин сезиб турсин.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш соҳасидаги бутун ишни янада такомиллаштириш республика халқ депутатлари Советларининг, министрликлар, идоралар ва ҳукуматнинг биринчи даражали вазифасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қатнашчилари сўзлаган нутқларда социал вазифаларни ҳал этишга доир муҳим фикрлар айтилди. Ушбу сессияда аҳоли турмуш маданиятини ошириш проблемаларини кенг муҳокама қилиш давомида ҳам, шубҳасиз, кимматли истаклар ва таклифлар киритилади.

Республика Министрлар Совети айтилган барча таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни диққат билан кўриб чиқиб, уларни тўла амалга ошириш юзасидан конкрет чоралар кўради.

Республика аҳолисининг турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисидаги масала Ўзбекистон ССР Олий Советида муҳокама этилиши шу муҳим ишни яна ҳам кўпроқ активлаштиришда шубҳасиз сафарбар этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Халқ хўжалиги вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, планлар ҳамда социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши бу ишнинг даражасини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида социалистик мусобақа байроғини яна ҳам баланд кўтарадилар, халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловни ва СССРнинг тинчи 60 йиллигини коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

ЎХШАШ БЎЛМАГАН ТАЙМЛАР

«ПАХТАКОР» — «НЕФТЧИ» (БОКУ) — 3:2

«Пахтакор»: — Яновский, Якимцов, Бойметов, Журавлев, Денисов, Петрушин, Бондаренко, Якубик, Новиков, Амриев, Семенко (Кабаев 46 минут).

«Нефтчи»: Расулов, Азимов, Абдуллаев, Узбеков, Худиев, Михайловский, (Шихларов, 60), Исмоилов, Нурмамедов, Гарибов, (Сафаров, 70), Қурбонов, Жавадов.

Тўпларни «Нефтчи»дан: Қурбонов, (18-минутда), Жавадов 66-минутда ўн бир метрли белгидан. «Пахтакор»дан Якубик 22 ва 33-минутларда, Журавлев 43-минутда киритди.

Дублёрлар состави ўртасидаги учрашув 0:2 ҳисобида тугади.

Учрашув бўладиган куни «Маяк» спорт ҳақида» деган программада шундай аҳборот эшиттирилди: «Бугун мамлакат биринчилигининг пешқадами «Пахтакор» ўз майдонида Бокунинг «Нефтчи» командасини қабул қилади. Бокулик футболчилар ўн тўққиз йилдан буён тошкентликларни меҳмонда мағлубиятга учратаолганлари йўқ».

Шуни олдиндан айтишимиз мумкинки, бокулик футболчиларнинг Тошкентдаги учрашувларда муваффақиятга эришиш олмаганликлари яна бир йилга кўпайди. Бу, ноҳуш анъанани бузиш учун уларга кам деганда яна бир йил керак бўлади.

...Учрашувнинг 43-минути ўтиб бораётганида «Пахтакор» Марказий стадионининг янги электр таблосида жуда кўп ўйинчиларнинг фамилияси ёзилган эди. Ҳисобни меҳмондар очишди. Уларнинг бир тўпига мезбонлар уч тўп киритиш билан жавоб беришди. Шуни афсус билан айтиш керакки, учрашув бўлган куни стадионнинг учдан бир қисми томошабинлар билан тўлган эди. Тўғрисини айтганда тошкентлик футбол мухлислари ўз ҳампаҳарларини — мамлакат биринчилигида пешқадамлик қилаётган команда футболчиларини қўллаб-қувватлаш учун стадионга келишмаётганлиги жуда таажжубли. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги бошқа стадионлар ҳамиша томошабинлар билан гавжум бўлади. Тошкентликлар ўз командасини яхши кўрмайди, деб айтиш қийин. Лекин улар командани қўллаб-қувватлаш п т и деб ҳам бўлмайди. Ана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, пахтакорчиларнинг 2-май куни Кутаиси шаҳрининг «Торпедо» командаси футболчилари билан бўладиган учрашуви куни «Пахтакор» стадиони яна узоқ муддатли танаффусдан кейин лиқ тўлади.

Энди бевосита ўйин ҳақида тўхталайлик. Тўғрисини айтганда ҳеч ким бу учрашувда дарвозалар кетма-кет нишонга олинади деб ўйламаган эди. Чунки учрашув ўта эҳтиёткорлик билан бошланди. Меҳмонлар ҳимояда олти киши бўлиб ҳаракат қилишди. Уларнинг мақсади пахтакорчиларнинг ҳужумларини бартараф этиш эди.

Тошкентлик футболчилар ҳам меҳмонларнинг ҳаракатини синчковлик билан кузатиб боришди. Уларнинг мақсади қулай дақиқаларни қўлга киритиш ва шиддатли ҳужум уюштириш эди.

Шунга қарамасдан учрашувнинг 18-минутига қадар тактик планда меҳмонлар устунлик қилишди. Улар усталик билан ҳимояланиш билан бирга «Пахтакор»нинг ҳимочиларини синовдан ўтказдилар. Ҳужумчиларга ярим ҳимоячилар ва ҳатто ҳимоячилар ҳам ёрдам бериб туришди. Чаққон ва эпчил Жавадов ва Исмоилов катта тезликда жарима майдонига кириб тўпни қабул қилиб ола бошладилар.

Дарвозани нишонга олинишига худди шундай усулда амалга оширилган комбинация сабаб бўлди. Ўнг қанотдан тўп олдинга узатилди. «Пахтакор»нинг ҳимоячилари қўпол хатога йўл қўйдилар. Улар тўпни олинда турган Қурбоновга етказиб беришди. У тўпни ерга туширмасдан кучли зарб билан дарвозага йўллади — 0:1.

Ҳисобда олдинга чиқиб олган бокулик футболчилар тактик хатога йўл қўйишди. Улар муваффақиятни мустаҳкамлаш учун кетмакет ҳужум уюштира бошладилар. Худди шу ерда «Пахтакор»га ўл келди Тошкентлик футболчилар аслида ана шундай вазиятни кутишаётган эди. Орадан тўрт минут ўтганидан кейин Якубик ҳисобни тенглаштирди. Учрашувнинг 22-минутида дарвозани яна бир марта нишонга олиб ўз командасини олдинга олиб чиқди — 2:1. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар икки комбинацияни амалга оширишда Амриев, Журавлёв, Семенько ва Новиков актив қатнашди.

Биринчи бўлимнинг тугашига икки минут қолганида Журавлёв дарвозага жуда чиройли тўп киритди. Амриев ва Якубик иштирок этган бу комбинацияда пахтакорчиларнинг маҳоратлари яққол намоён бўлди. Тўпни қабул қилиб олган Александр ҳимячини алдаб ўтиб, дарвозани аниқ нишонга олди — 3:1.

Учрашувнинг тугашига ярим соат қолганида бокулик футболчилар уч марта қулай вазиятга эга бўлишди. Бир сафар Яновский маҳорат кўрсатди. У жарима майдонидан ташқарида худди ҳимоячилардай ҳаракат қилиб тўпни майдондан чиқариб юборди. «Нефтчи» командасининг ҳужумчиларини томонидан икки марта кучли зарб билан тепилган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Шунга қарамасдан бокулик футболчиларнинг шиддатли ҳужуми 86-минутда муваффақиятга олиб келди. «Пахтакор»нинг ҳимоячиларидан бири хавфли вазиятни бартараф этиш ниятида тўпни кўли билан тўхтатди. Жавадов 11 метрли белгидан тўпни дарвозага йўллаб ҳисоблар ўртасидаги фарқни қисқартирди — 3:2.



«Пахтакор» ҳақида 17 фикр

А. АЛЕСКЕРОВ,
«Нефтчи» командасининг катта тренери, спорт мастери.

— Ўтган йили ҳали турнир тажрибасига эга бўлмаган ёш пахтакорчиларнинг ҳаракатларини кузатганимдан кейин «Тошкент оқшоми» мухбири билан бўлган суҳбатда команда келгуси мавсумда жуда яхши қатнашади, деб айтган эдим.

Тошкентдаги учрашув биз учун ачинарли бўлганлигига қарамасдан ҳозирги «Пахтакор» устозлари раҳбарлигида ҳужум кудратини оширганлигини, ҳамжиҳатлик билан ўйин кўрсатаётганлигини тан олиш керак. Унинг натижалари жуда таажжубли, катта футболдаги энг фахрли совринлардан бири «Прогресс Кубоги» агар мамлакат биринчилигининг мавсуми якунида эмас, айрим босқичида топширилиб қолганида уни албатта, мамлакат биринчилиги дастлабки босқичининг қаҳрамони бўлган. «Пахтакор» кўлга киритган бўлар эди.

— **Ахмед Латипович, пахтакорчилар шогирдларингиз билан бўлган учрашувда мағлубиятга учрашлари мумкин эди...**

— Тошкентдаги учрашувнинг охирларида назаримда, майдондаги вазият тенгланиши, биз кам деганда ҳисобни тенглаштиришимиз мумкин эди. Тўғрисини айтганда, бокулик футболчилардан омад юз ўгирди. Узингиз эслаб кўринг, Жавадов ва Шихларов «Пахтакор»нинг жарима майдонида қулай имкониятдан фойдалана олишмади. Ҳар икки сафар ҳам кучли зарб билан тепилган тўп дарвоза тўсиннга тегиб қайтди. Пахтакорчилар ташаббусни қўлдан бериб қўйганликлари учун шундай бўлди. Бунга, назаримда, биринчи бўлимда тошкентликларнинг 3:1 ҳисобида олдинга чиқиб олганликлари учун хотиржам пиккa берилганликларигина эмас, ўйинчиларнинг чарчаб қолганликлари ҳам сабаб бўлди. Бу нарсани футбол мутахассиси сифатида яхши тушунаман. Самолётларда юриш, меҳмонхоналарда яшаш ўзга майдонда учрашув ўтказадиган футболчиларга салбий таъсир қилади. Улар шунингдек, шароитга мослашишлари керак. Бунинг устига шароит ҳам бир хил бўлмайди. Бизда ҳали ҳам баҳор. Бу ерда эса ҳарорат жуда иссиқ.

Агар команда ўз олдига жиддий мақсад қўйган бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгишга қодир бўлиши керак.

— **Энди учрашув тактикаси ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Биз тошкентликлар ўз майдонида асосан ҳужумга зўр беришади деб тахмин қилган эдик. Шу боисдан ҳам шогирдларимизга эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш, ҳужумга бериб кетиб қулай вазиятларни вужудга келтириб қўймасликни маслаҳат берган эдим. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ҳамма иш жойида бўлди. Бокуликлар томонидан дарвозага киритилган тўп уларни хотиржамликка тушириб қўйди. Улар муваффақиятдан эсанкираб қолдилар. Шунинг учун ҳам ўзлари тўпни кетмакет уч марта дарвозадан олишга мажбур бўлишди. Иккинчи бўлимда аҳвол ўзгарди, лекин иборали қилиб айтганда «Поезд жўнаб кетган эди!...

Назаримда бу сафар мезбонларнинг ярим ҳимоячилари яхши ўйин кўрсатишмади. Айниқса бу нарса иккинчи бўлимда билиниб қолди. «Пахтакор»нинг тренерлари бундай ноқулай аҳвол нима учун вужудга келганлиги сабабларини аниқлашлари керак. Фақат бир нарса маълум, «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячилари бизнинг футболчиларимизга тўпни эркин қабул қилиб олиш, ҳужум уюштиришларига шароит яратиб беришди. Ҳимоячилар ҳам кўпол хатоларга йўл қўйдилар. Улар бир-бирларига ёрдамлашишни уддалай олишмади. Бокулик футболчилар ҳужум уюштирган дақиқаларда хавфли вазиятларни бартараф эта олишмади.

Умуман олганда, такроран айтишга мумкинки, пахтакорчиларнинг ҳозирги ўйин услуби менга маъқул бўлди. Мен командага катта футболда омад тилайман.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташкинга» шаҳар китобсавдосининг

Обуна нашрлари магазинида:

Навбатдаги ушбу китоблар сотилмоқда:

Б. Шоу, 6 жилд.

Э. Хемингуэй, 2 жилд.

Катта совет энциклопедияси, 1981 йил —«Партия ва ҳукумат қарорлари», 13 жилд.

Ўзбек совет энциклопедияси (ўзбек тилида), 4 дан 14 гача бўлган жилдлар.

Инглиз — геология терминларининг батафсил луғати, 3 жилдли.

Радиолокация бўйича справочник, 1 дан 4 гача жилдлар.

Социалистик экономика тарихи, 8 жилдлик, 1 дан 8 жилдгача.

Халқаро ишчилар ҳаракати, 6 жилдли, 1 дан 6 жилдгача:

Чет эл Шарқи ва ҳозирги замон, 3 жилдли, 1 дан 3 гача жилдлар.

Музика маданиятн халқ университети (грамзаписларда).

Абу Али ибн Сино, «Тиб қонунлари» (рус тилида) — 5 китоб.

А. Антоновская, 6 жилд.

Саргузаштлар кутубхонаси, 4 китоб. Р. Стивенсон.

А. Блок, 4 жилд.

А. Барто, 1,2 жилдлар.

Болалар учун жаҳон адабиёти кутубхонаси, 22 жилд, 2 китоб.

К. Чуковский; 38 жилд— чет эл ёзувчиларининг эртаклари.

Катта медицина энциклопедияси, 17 жилд.

Н. Вирта, 3 жилд.

А. Гайдар, 3 жилд.

А. Зегерс, 1 жилд.

С. Злобин, 3 жилд.

В. Каверин, 5, 6 жилдлар.

Г. Мединский, 2, 3 жилдлар.

С. Михалков, 4 жилд.

Г. Марков, 1,2 жилдлар.

Н. Некрасов, 1, 2 жилдлар.

Б. Полевой, 2 жилд.

Мамлакатлар ва халқлар, 9, 10 жилдлар.

Медицина терминлари луғати, 1 жилд.

К. Симонов, 7 жилд.

Р. Тагор, 2 жилд.

Л. Толстой, 9 жилд.

И. Тургенев, 6, 7, 8 жилдлар.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Телефон 44-57-41.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1982 — 1983 ўқув йилига

инглиз, немис, француз тиллари мутахассислиги бўйича институтнинг кечки ва сиртқи бўлимларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш ҳамма бўлимларда 5 йил.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), **чет тилидан** (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки).

Институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақида ҳужжат(асли), характеристика йўлланма, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 6 дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Аризалар — 31 майгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 1 — 20 июнь кунлари ўтказилади.

Қабул комиссиясининг адреси: Тошкент шаҳри, 20-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 48-уй.

ҲИНДИСТОНДАН СОВҒАЛАР

ҲИНДИСТОН — ҚИЗИҚ-ҚИЗИҚ АЖОЙИБОТЛАР, ТАБИАТДА НИҲОЯТДА БОЙ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТДИР.

Бир вақтлар турли мамлакатларнинг савдогарлари бу юртга қимматбаҳо тошлар, қандолатлар, фил суяги, ёғоч, металлдан ясалган чиройли буюмлар учун сафарга чиқишган. Пахтадан тўқилган ҳинд газмоллари айниқса юқори баҳоланган. Уларни «тўрланган ҳаво», «сув жилоси» деб аташган — ваҳоланки, бу газмоллар жуда юпқа ва ялтироқ бўлган.

Ҳозирги кунда ҳинд моллари учун олисга бориб юришнинг ҳожати йўқ. Яқинда Тошкентда очилган «Ганга» магазини Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг ниҳоят кенг ассортиментига эга.

Улар орасида металл, ёғочдан ишланган буюмлар, унча қиммат бўлмаган тошлардан ясалган тақинчоқлар, ип-газламадан тўқилган тикув маҳсулотларини учратасиз. Бу буюмларнинг ҳар бири байрамга ажойиб совға бўла олади.

Ип-газлама ва гул солиб тикилган маҳсулотлар секцияларида кўйлаклар, блузкалар, сарафанлар, кўйлак-костюмлар, кўйлак-сарафанлар харид қилишингиз мумкин. Улар сидирға ва гулли газмоллардан гул солиб тикилган. Уларнинг ўзига хос асосий хоссаси гигроскоплигидир.

Табиий ип-газламадан тикилган кийимда ёзнинг энг жазирама иссиғида ҳам бемалол юраверишингиз мумкин. Сувенирлар бўлимига назар ташлаган киши ҳеч қачон бамайлихотир қололмайди. Бу ерда табиий тошлардан (аметист, гранат, коралл, агат, топаз, сердолик, жадеит) ясалган тақинчоқлар, зардўзлик буюмлари — театр сумкалари, қутичалар (бу маҳсулотлар латундан ишланган бўлиб, нозик нақш билан қопланган ва рангли эмаль билан безатилган гуллар учун вазалар, конфетдонлар, кўзачалар, тарелкалар, оқ тусли металлдан ясалган шампань учун челакчалар, поднослар, ёғ идишлар, қизил дарахтдан ясалган турли қуруқ мевалар, ёнғоқлар учун вазалар, чойнаклар учун таг идишлар, телефон қўйиладиган столчаларни харид қилиш мумкин.

«ГАНГА»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Магазин адреси: Тошкент шаҳар, Марказ—14, 2/1-уй (21-троллейбуснинг «Ганга» магазини» бекати).

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

«Таштекстильшвейторг».

СОЮЗТОРГРЕКЛАМА БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

28 АПРЕЛЬ — 11 МАЙ КУНЛАРИ

КАТТА ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист, Давлат мукофотининг лауреати, кино ва эстрада артисти

Вахтанг ҚИКАБИДЗЕ ва

«АЛИЕ МАКИ»

ВОКАЛЬ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

ИШТИРОК ЭТАДИ

Концертлар ҳар куни соат 14, 17 ва 20.00да бошланади.

Билетлар «УЗБЕККОНЦЕРТ» ва Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида сотилмоқда.

Спорт зали кассалари соат 10.00 дан 19.00гача, «Ўзбекконцерт» кассалари эса соат 14.00дан 20.00гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Концерт кунлари спорт зали атрофига қатнайдиган транспортлар сони кўпайтирилади ва шахсий автомашиналар учун тўхташ жойи ташкил этилади.

46-03-12, 46-07-53 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1—9 МАЙ КУНЛАРИ

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги

ПИРИК ИЛЛЮЗИОН АТТРАКЦИОНИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда. Томошалар соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

2 МАЙ СОАТ 17.00 да

СССР биринчилиги учун

«ТОРПЕДО» (Кутаиси) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Кузнинг биринчи куни**, МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да **Ишонмасанг ўламан**, 29/IV да **Тўйдан олдин томоша**, 30/IV да **Ешликда берган кўнгил**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IV да **Тақдир эшиги**, 29/IV да **Баланд дорга осилма**.

КИНО

29 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ» — **Восток**.

«ПОРЛОҚ ИЎЛ БЎЙЛАБ» — **Қозоғистон**.

«БИЗ ҲАММАМИЗ СЕНИНГ ТАЛАБАЛАРИНГ» — **Дружба**.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕЙТЕНАНТ КЛИМОВ ҲАҚИДА» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Чайка** (13, 16, 20.00, телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 14, 17, 20.00, телефон 46-70-69), **Восток** (11, 14, 17, 20.00, телефон 91-14-61).

«ОЛТИНЧИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 13, 14, 17, 18, 20.00, телефон 35-24-92).

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 41-ўрта мактаб томонидан **Васиқова Насиба Мовлоновна** номига берилган 834685 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область Коммунистий районидаги 20-ўрта мактаб томонидан **Юлдашев Эсонбой Жуманович** номига берилган 904502 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

28 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.05 «Меҳнаткашлар бирдамлиги — 1 Май шиори». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради. 18.30 «Эсдаликлар». Фильм-концерт премьераси («Экран»). 19.00 «Расмларда куёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». Фан ва техника соҳасида 1982 йил Ленин мукофотининг лауреатлари ҳақида. 20.05 И. Гайди. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 20.25 «Эски хатлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.00 «Муаммолар, изланишлар, ечимлар». ВЛКСМ XIX съездига. 23.30 Балет артистларининг чиқиши. 23.00 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ноз-неъмат бунёдкорлари». 19.00 «Фан уфқлари». САИМЭ — 50 ёшда (такрорий). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Бизнинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳчимиз. Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори А. Абдуғаниев олиб боради. 20.15 «Баҳорги кузатишлар». Фильм-манзаралар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль. Грузия телевидениесининг программаси. Кўрсатув тугагач—Янгиликлар.

29 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 «Горчичлар, қаердасиз?». 10.25 Болалар учун фильм. «Толя Клюквиннинг саргузашти». 11.30 «Планлар ва ҳаёт». Биз курашамиз...». Ҳужжатли фильм («ЦСДФ»). 11.55 «Семиречье ёшлиги». Фильм-концерт. (Олмаота). 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Ҳамдўстлик уфқлари» (Кишинёв), «Иззат Қличев» (Ашхобод). 15.55 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК— АСК (Минск). МАСК универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 16.30 «Биз— Ернинг навқирон ҳўжайинлари». Омск юқори синф ўқувчиларининг слёти ҳақида. 17.10 Москва бадиий коллективларининг концерти.

18.00 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик интернационализм ва капиталистик мамлакатларда ирқий ҳамда миллий зулм ўтказиш сиёсати». 18.30 «Қувноқ нотачалар». 18.45 «Дунё воқеалари». 19.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари қатнашчиларининг матчи. Танаффус пайтида (20.20) — «Экономика тежамли бўлиши керак». 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР кубогининг ярим финали. «Динамо» (Киев) «Динамо» (Тбилиси). Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45)— «Дунё воқеалари». 23.45 Концерт. 00.35 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари қатнашчиларининг матчи.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ҳаётга йўлланма». 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 СССР халқ артисти И. Козловский, С. Рихтер, З. Долуханова, К. Шульженко, Л. Зыкина, Н. Бессмертнова ва бошқалар иштирокида музикали программа. 21.30 «Время». 22.00 «Тамаки капитани». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Жамиятшунослик. Коммунистик ахлоқ (рус.). 12.00 Болалар учун концерт (такрорий). 12.30 Жамиятшунослик. Коммунистик ахлоқ. 13.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Бепоён Ватаним менинг». Кинопрограмма.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуёш қуёни», «Мен қизил ўрмон расмини чизаман». Мультфильмлар. 18.30 ВЛКСМ XIX съезди олдидан. «Мен— комсомол». 19.00 «Партия турмуши». Коммунистларнинг етакчилик роли. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Жорж Бизе куйига ёзилган балетга вариациялар». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 Телевидение экранида биринчи марта, «Фил учун оркестр ижросидаги соло». Кинокомедия. 1-серия. 23.30 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Ўқитувчи экрани. Илғор химия ўқитувчиларининг тажрибаси. 18.35 «Булутлар остидаги бугулар». Телефильм. 18.45 «Менинг шаҳрим— Волжский», «Қайта қурилаётган Буржак». «Совет Иттифоқининг шаҳарлари» туркумидан телефильмлар. 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 20.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси аппарати маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари шаҳар ярмаркасининг директори

Муҳаммаджон КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ҲАММА УЧУН ДУХИЛАР



Парфюмерларда хушбўй тароват деган нбора бор. Хушбўй моддалар гўё ўзига хос ранг-бўёқлар композициясини яратади. Бир хил композицияларда гуллар атри аниқ ажралиб турса, бошқалари ниҳоятда ёқимли. Мамлакатимиз саноати ҳозирги кунда духи ва одеколонларнинг 700 га яқин турини ишлаб чиқармоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўй ва тароватга эга. Қандай духи танлаш керак? Шундай духилар ҳам борки, бир неча ўн йиллардан буён ўз қийматини йўқотмай келяпти. У барчага манзур бўлиб қолган. Яқинда пайдо бўлиб мутахассисларнинг каромат қилишларича, кўп йиллар мобайнида кишиларга манзур бўлиб кенг доврўг таратгувчи духи ва одеколонлар ҳам мавжуд. Москвадаги «Новая заря» фабрикаси ишлаб чиқараётган «Русские узори», «Знакомий образ» ва Рига фабрикаси ишлаб чиқараётган «Шарм» духилари ана шулар жумласидандир.

Духи танлаганда уни ишлаб чиқарган фабрикага эътиборни қаратиш лозим. Ҳар бир фабрика маълум бўйларни ишлаб чиқаришда ўз стилига эга. Москвадаги «Красная заря» фабрикаси ишлаб чиқараётган духи ва одеколонларнинг асосий хоссаси муъаффо кўкат бўйига эгалигидир. Ленинграддаги «Северное сияние» фабрикасининг духилари енгил, ниҳоятда нозик ва салқин бўйга эга. Ригадаги «Дзинтарс» фабрикасида ишлаб чиқарилаётган духиларда шимол денгизларининг тароватн сезилиб туради...

Мамлакатимиз турли парфюмерия фабрикаларида ишлаб чиқарилган тароват маҳсулотларини сотиб олиш учун сизларни

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

ДУХИЛАР — «Знакомий образ», «Русские узори» (Москва), «Лесной ветер» (Рига), «Однажди», «Ноктюрн» (Тошкент), «Елена» (Москва — Париж);

СОВҒА НАБОРЛАРИ — «Желаю счастья» ва «Ўзбекистон» (Тошкент), «Шарм» (Рига), «Нежность» (Москва);

ОДЕКОЛОНЛАР — «Спартак», «Гренватер», «Драккар» (Франция), «Достон» (Тошкент);

КОСМЕТИК ВОСИТАЛАР — лаб бўёқлари (20 дан ортиқ рангдаги), тирноқлар учун лаклар (6 хил рангда), крем-упа ва киприклар учун тушлар.

Бу магазинларда чунончи, ранг-баранг сувенир ва галантерея буюмлари билан ҳам савдо қилинмоқда.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

8 — «СОВҒАЛАР» — Олмазор микрорайони, 6 ва 7-уйлар,

16 — «СОВҒАЛАР» — Луначарское шоссеси, 123-уй.

12 — Чилонзор массиви, 5-квартал, Халқлар дўстлиги проспекти, 5-уй.

«Тошкент» савдо фирмаси.

ДЕССЕРТГА

Баҳор кезлари меню ингизда янги мевалар етишмаган вақтда уларнинг ўрнини фақат шарбатлар қоплашга мойил ва у витаминлар етишмовчилигини тўлдиради.

Шарбатлар хуштаъм ва хушхўр, чанқоқни яхши қондиради.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗДА? Шарбатлар, салқин ичимликлар ва мороженоесиз ҳеч бир ажлож йўқ. Помидор шарбатини гўшт ва балиқ таомларига тортиш, олма ва узум шарбатини стол ширинликларига бериш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга улардан тортлар, пирожнослар, коктейллар тайёрлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Шарбатлар ва мороженоедан «Мевали» коктейль тайёрлашга ҳаракат қилиб кўринг.

Бунинг учун бир дона тухум чақилиб, унга 100 грамм мороженое қўшилади, у яхшилаб қориштирилгач устидан бир стакан олма шарбати, бир дона лимон шарбати қуйилади.

кофе-глиссе тайёрлаш учун ҳам мороженое керак бўлади.

Даставвал кофе қайнатилади, сўнг совутиб унга озгина мороженое қўшилади. Кофе дастурхонга коктейль учун мўлжалланган трубкачалар солинган юпқа ва баланд бакалларда тортилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Помидор, олма, узум шарбатларини; Тошкент минераль суви, «Малиновий», «Буратино» лимонадлари, пепсикола,; «Морозко», «Сливочное» мороженоеларини

СИЗ «ТАШЛИМВОДТОРГ»НИНГ ПАВИЛЬОНЛАРИ ВА КИОСКЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТАШЛИМВОДТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуш — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

28 АПРЕЛЬ, 1982 й. Р. — 07194. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10